

Пойтахтдаги “Муҳсинхон тўра” масжиди қайта таъмирланди




09:13 / 02.11.2018 3850

Куни кеча Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги “Муҳсинхон тўра” жоме масжиди биносининг янгидан бунёд этилиши муносабати билан очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Матбуот хизмати [хабар берди](#).





Юртимиздаги таниқли уламолар, имом-хатиблар ва кўплаб намозхонлар ушбу масжидда пешин намозига жам бўлдилар ва ўзларининг илиқ сўзларини билдирдилар. Сўзга чиққан нотиклар, мана шундай жомени қайтадан барпо этилиши давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг ёрқин намунаси экани, мўмин-мусулмонларга катта тухфа бўлгани ва шундай гўзал масжидда ибодат қилишдан бахтиёр эканларини изҳор қилишди.





Қурилиш ишларига энг моҳир уста ва муҳандислар жалб этилди. Бундай эзгу ишга ҳисса қўшиш истагидаги қурувчилар ўз маҳоратларини кўрсатиб, бор куч-ғайрат билан меҳнат қилишди.

Очилиш маросимига ташриф буюрганлар масжиднинг гўзал шаклда, замонавий услублар ва миллий қадриятларимизни ўзида акс этган биносини кўздан кечириб, ушбу масжид мусулмонлар учун мўътабар маскан сифатида хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб, хайрли дуолар қилдилар.

***Islom.uz* портали таҳририяти**